

ПАХСАДЕВОР ЁДГОРЛИКЛАРНИ КЕЛГУСИ АВЛОДЛАРГА ЕТКАЗИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

арх.ф.д., проф. Дурдиева Г.С.

тадқиқотчилар Дусчанов Ш.

Заргарова Н.А.

Хоразм Маъмун академияси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21032683>

Аннотация: Ушбу мақолада Кўхна Урганчдаги “Қирқ Мулла” пахсадевор меъморий ёдгорлигининг тарихи, қурилиш материали ва қурилиш услублари ҳамда уни қайта тиклашдаги инновацион услублар бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Калит сўзлар: меъморий ёдгорлик, структура, масжид, томёпма, ёғоч устун, мониторинг, тадқиқотлар, пахсадевор, сақлаш, инновация.

Аннотация: В статье приведены некоторые результаты исследование - по истории, строительных материалов и методов а также сохранение глинобитное памятников архитектуры Кирк Мулла, которые расположенного в Кухна Ургенче.

Ключевые слова: памятников архитектуры, мечеть, стены, деревянные колонны, структура, исследование, мониторинг, глинобитные стены, сохранение, инновация.

Ўрта Осиё халқлари тараққиёти тарихида ўзининг бениҳоя даражада изини қолдирган, хусусан илм-фан маданиятимиз тараққиётида IX—XII асрлар даврининг ўрни беқиёсдир. Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад X аср охирларида жанубий ва шимолий қисмларга бўлинган Хоразмни ягона бир марказга бирлаштирди. У мамлакатни Шарқнинг энг йирик илмий-маданий марказларидан бирига айлантириш мақсадида Гурганчда «Байтул хикма» (Донишмандлар уйини) ташкил қилди. Ушбу илм маскани “Маъмун академияси” деб ҳам аталди ва тарих саҳифаларига шу ном билан кирди. 1004 йилда ташкил этилган ушбу илм масканида Ал-Беруний, Ибн Сино, Ибн ал-Ҳаммар, Абу Саҳл Масихий, Ибн Ироқ каби каби юзлаган буюк олимлар, ҳатто Шарқнинг кўпгина мамлакатларидан келган улуғ алломалар ҳам ижод қилдилар [2].

Кўхна Урганч қадимий шаҳарлар сирасига киради, шу боис араб сайёхлари Истахрий, Мақсудий ва Ибн Батуталар “Мусулмон оламида Журжониядан (Гурганж) кўра -каттароқ шаҳарни кўрмадим” деб ёзганлар. Бу кўхна дунёда неча бор “ўлик-тирилган” (суга чўктирилган) ёхуд сувсизликдан харобазорга айлантирилган ва яна қайтадан гуллаб- яшнаган, қолаверса, жаҳон халқлари тарихида ўз “Мажлиси уламо” (Фанлар академия)сига эга бўлган шаҳардир. [5]

К. Нуржоновнинг “Хоразм мақол, матал, нақл ва ибораларнинг тарихий илдизлари” китобида, - “Туркий халқлар уни Хурганж, Гурганж, 712-йилда араблар ҳукмроклигига ўтгач Журжония деб юритганлар. 995 йил Маъмунийлар сулоласи даврида Шимолий ва Жанубий Хоразм бирлаштирилиб, пойтахт Гурганжга кўчирилди. 996-1017 йилларда шаҳар гуллаб-яшнади, каналлар бунёд этилди, сарой ва иморатлар, мадраса ва масжидлар қурилди. “Мажлиси уламо”- Маъмуншоҳ Академияси таъсис этилди. Ушбу илм даргоҳида қирққа яқин аллома ва 360 талаба фаолият кўрсатган. Афсуски, уларни Хуросон ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий зўравонлик билан кўчириб кетган. Шу сабабдан Беруний бобомиз умрининг 30 йилини Ғазна шаҳрида ўтказган”, - деб ёзилган.



1-расм. Кўҳна Урганчда XI асрда фаолият кўрсатган Дорул Ҳикма - Маъмун Академияси жойлашган ҳудуд атрофидаги пахсадевори

1937-1970 йилларда шарқшунос олим С.П.Толстов бошлиқ археологлар Кўҳна Урганч харобаларини кавлаб қисман ўргандилар. Ярим харобага айланган қалъанинг Ғарбий-Жанубий томонидаги тепалик халқ тилида “Қирқ мулла” деб аталади. Унинг қибла томонида шаҳар қабристони “Тош қалъа” ёдгорлиги жойлашган. Бу ерга келган хорижлик бир археолог “Ушбу тепалик Хоразм тарихининг сирли саҳифаларини ўз бағрида яшириб келмоқда. Афсуски, уни кавалаб бу сирни очишга бир- икки авлоднинг умри камлик қилади” деб айтган экан. Дарҳақиқат, ушбу тепалик воҳа тарихининг III-IV минг йиллик даврини аниқдашга ёрдам берган бўлар эди [5].

Бу ерда 1011 йилда қурилган ва XIX аср сўнггида қулаб тушган минора ва уламолар уйи, яъни Мамун академияси харобалари сақланиб қолган (2-расм). Қалъа ва миноралар тарихини ўрганиш юзасидан қазилмалар ўтказилган. 84.9x49 см. ҳажмдаги қўрғошин плита топилган, унга “Ҳақ йўлида яшаётган адолатли ҳукмдор Абул Аббос Маъмун ибн Муҳаммад Хоразмшоҳ ушбу минорани қуришга амр этди. Шоҳ минора асосини қўйишга бош-қош бўлди, уни озода ва маромида сақлашни ўз зиммасига олди. Қурилиш 401 йили (милодий 1011) тугалланди. Ҳазрат бу савоб ишни ислом динига ихлос ва Аллоҳ таоло йўлига, бажарди” деб ёзилган [1].



2-расм. Кўҳна Урганчда XI асрга оид Қирқ Мулла тепалиги (Дорул Ҳикма - Маъмун Академияси) қолдиқлари

Кўхна Урганчдаги “Қирқ Мулла” меъморий ёдгорлик муқаддас тепалик устида жойлашган. “Қирқ Мулла” обидаси шаҳарнинг шимолий-шарқида, “Султон Текеш” мақбараси яқинида жойлашган бўлиб, унинг майдони - 3 гектарни, баландлиги эса 12,5 метрни ташкил қилади. Бу жой Гурганжнинг энг қадимий маркази ҳисобланган.

Ушбу археологлар томонидан шурфлар солиб ва умумий қазиш ишлари бажарилган. Қазишмалар жараёнида – жуда қадимий даврга оид қалъа қолдиқлари, деворлар ва қурбонгоҳ топилган. Ўрта асрларда ушбу тепалик ҳудудида ўша даврда машҳур бўлган “Мамун кутубхонаси” ҳам мавжуд бўлган. Энг, ажабланирлиси “Муқаддас тепалик”нинг тагида қабристон мавжуд бўлиб, унинг ғарбий ёнбағри бўйлаб олиб борилган қазишмалар жараёнида квадрат кунгура-миноралар билан мустаҳкамланган қалъанинг қия деворлари ҳам очилган. Бу ердан топилган баъзи топилмалар милoddан аввалги V асрга тўғри келади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қалъа VIII-асрда араблар келиши билан вайрон бўлган. Ушбу табаррук жойнинг номини маҳаллий халқнинг афсоналарга асосланиб, “40 та доно ўқитувчилар” сифатида устозлар, муллалар фаолият олиб борганлиги каби фикрлар мавжуд. Кейинчалик, бу ерда Маъмун мадрасаси, яъни Академия биноси тикланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ушбу муборак тепалик тўғрисида маҳаллий халқнинг қуйидаги сўзларига кўра: - “кутубхонада яшаган 40 олим мўғул босқини пайтида, бу ерда сақланган бебаҳо қўлёзмаларни қутқариш учун яратганга ибодат қила бошлабдилар. Душман яқинлашганда, кутубхона биноси шу айтда тескари ўгирилиб, ерга тескари ҳолда тушганлиги натижасида минглаган ноёб китоблар ер остида сақланиб қолган”, - деган турли хил ривоятлар ҳам мавжуд [2].

Айниқса, ушбу табаррук деб ҳисобланган тепаликка зиёратчилар, ҳамда маҳаллий аҳоли ғалати бир маросим ўтказиш учун келишади. Улар ушбу жойда яратганга ибодат қиладилар, сўнгра фарзанд кўра олмаган аёлларни кўрпага ўралган ҳолда, тепадан пастга юмалатиб туширадилар. Маҳаллий халқ вакиллариининг айтишича, ушбу маросимдан кейин бефарзанд аёллар фарзанд кўра олишар экан.



3-расм. Фарзанд кўра олмаган аёлларни кўрпага ўраб юмалатишмоқда.

Тарихда мана шундай мавқега эга бўлган қадимий обидани илк тиклаган пайтларида қурилиши ва меъморий композицияси қандай бўлганлигини тасаввур қилиш учун бир қатор тарихий манбаларни ўрганган ҳолда, уч ўлчамли моделини компьютер дастурлари ёрдамида яратишга ҳаракат қилдик. Турли манба ва бир қанча

адабиётларда келтирилган ўлчамлар ва бош режанинг фото съёмка шаклидаги кўринишларини ўрганган ҳолда, биринчи босқичда биз ишни қуйидагича бошладик; яъни бош режанинг ўзига масштаб асосида Auto CAD дастурида ишланди (4-расм).



4-расм. Кўҳна Урганчда XI асрда фаолият кўрсатган Дорул Ҳикма - Маъмун Академияси жойлашган ҳудуднинг кўриниши ва бош режаси

Кейинги, иккинчи босқичида эса шу даврга мансуб бўлган ва “Қирқ Мулла” ёдгорлиги яқинидаги бошқа тарихий обидалар ҳам ўрганиб чиқилди. Бу жараёнда ана шу ўтган даврдаги архитектуравий услуб, қурилиш ашёлари, конструкциялари ва албатта жойлашув ориентациялари ўрганилди. Ўрганишлар натижаси асосида ёдгорлик ашёлари, услуби ва албатта реал ҳолатга энг яқин кўриниши 3DS MAX дастурида ишлаб чиқилди.



5-расм. Дорул Ҳикма - Маъмун Академиясининг фасад қисми (Auto CAD дастурида)

Файлни jpg ҳолатга келтириш учун 3DS MAX дастурини ўзида render қилиниб jpg кўринишида сақланди.

Минг йиллик тарихга эга бўлган “Қирқ Мулла” ёдгорлигини лойиҳалашда ишлатилган устунлар, эшик, гумбаз, гулдаста-миноралар чуқур таҳлил натижаси асосида, ўша давр услубига ёндошган ҳолда ишлашга ҳаракат қилинди (5,6-расмлар).



6-расм. Обиданинг умуимий кўриниши (перспектива) (Auto CAD дастурида)

Ёдгорлик яқинидаги қудуқ, от-уловларни вақтинча жойлаштириш жойлари ҳам назардан четда қолмаганлиги лойиҳани янада жонлироқ кўринишини таъминлаб лойиҳани анча бойитди (7-расм).



7-расм. Маъмун Академиясининг атрофи ва орқа қисми кўринишлари (Auto CAD дастурида)

Юқоридаги тасвирларда (5,6,7-расмлар) кўриниб турганидек ёдгорлик асл кўринишига юз фоиз ўхшаганлиги аниқ бўлмасада, бугунги кунда замонавий технологиялар ёрдамида ушбу “Қирқ Мулла” ёдгорлиги бўйича инновацион ёндошув асосида обида ҳақида келгуси авлодлар учун ҳам тасаввур қилиш имконияти яратилди. Демак, бугунги кунда компьютер технологиялари барча соҳаларда жадал ривожланмокда. Жумладан, архитектура, қурилиш, автомобилсозлик ва кўплаб бошқа соҳаларга чуқур кириб келди. Ҳозирда мавжуд Auto CAD, 3DS MAX, Lira, Photoshop ва кўплаб шунга ўхшаш дастурлар таъмирлаш ишларига ҳам аста секинлик билан кириб келмокда [4]. Бу дастурлар юқорида кўрганимиздек, меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ишларини тасаввур қилиш ва таъмирлашда катта қулайликлар яратади. Юқорида қайд этилган дастурлар уч ўлчамли принтерлар билан боғланиб, ёдгорлик

бинолари макетларини масштаб асосида яратиш имконини, ёки аниматсион роликларини яратиши мумкин.

Энг аҳамиятли томони шундаки, компьютер технологиялари ёрдамида юқоридаги кўрсатилганларга ўхшаган натижаларни қисқа фурсатларда ва сифатли қилиб амалга оширади.

Меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ишларини тасаввур қилишда инновацион ёндошув тамойили учун танлаб олинган “Қирқ Мулла” ёдгорлиги айнан, биз фаолият кўрсатаётган 1997 йилда янгидан ташкил этилган “Хоразм Маъмун академияси” деб аталувчи муборак даргоҳ тарихи билан чамбарчас боғлиқдир ва дунё тарихига кирган илк академия биноларидан биттасидир. Шу хусусда, айтиш жоизки, 2005 йилнинг июнь ойида ЮНЕСКО Туркменистондаги Кўҳна Урганччи “Дунё халқлари маданий мероси” рўйхатига киритиш ҳақида қарор қабул қилди [3]. Ушбу қарор Марказий Осиёдаги барча халқларни бирдек қувонтирди. Негаки, XI асрда Кўҳна Урганчда фаолият кўрсатган Дорул Ҳикма - Маъмун Академияси туркийзабон халқларнинг бебаҳо маданий мероси ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хоразмшоҳлар империяси даврида марказий шаҳар ҳисобланган, “Қирқ Мулла” ёдгорлиги каби минг йиллик обидалар ватани бўлган Гурганж (Кўҳна Урганч) бугунги кунда қўшни Туркменистон Республикасида жойлашган бўлишига қарамасдан биз хоразмлик илмий ходимлар учун жуда кўп тадқиқотларга манба бўлади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Н. Халимов. Памятники Ургенча (сооружения, надпись и легенды). Ашхабад Туркменистан 1991г. 113-стр.
2. Х. Юсупов. Путеводитель по археолого-архитектурным памятникам Ташаузской области. Ашхабад “Туркменистан” 1989 г. 48 стр.
3. Х. Юсупов. Хорезм и Гургандж: новые открытия. Институт истории академии наук Туркменистана Ашхабад Ўлым. 2010г. 112 стр.
4. Autodesk 3DS MAX 2014 essentials. Randi L. Derakhshani Dariush Derakhshani Copyright © 2013 by John Wiley & Sons, Inc., Indianapolis, Indiana Published simultaneously in Canada ISBN: 978-1-118-57514-7.
5. К. Нуржонов. "Хоразм мақол, матал, нақл ва ибораларнинг тарихий илдизлари", Урганч. 2001 й. 5 б.т.
6. <https://www.advantour.com/rus/turkmenistan/kunya-urgench/kyrk-molla.htm>
7. http://eurasia.travel/turkmenistan/cities/northern_turkmenistan/konye-urgench/kyrk_molla/